



## БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИНИНГ АРХЕОЛОГИК АСОСЛАРИ ЁХУД БУХОРО АРКИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА

*Очилов А.Т.*

*доцент, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро Аркида олиб борилган тадқиқотлар тарихи ва шаҳарнинг 2500 йиллик асослари таҳлил қилинганю*

*Калит сўзлар: Бухоро, Арк, археологик тадқиқотлар, маданий қатлам, ЮНЕСКО.*

### КИРИШ

Бухоро нафақат қадимий шаҳарлардан бири, балки дунёга ўз маданияти ҳамда маърифати билан маълум ва машҳур шаҳар. Шаҳар илк ўрта асрларда асрларда Бухархудоотлар, IX-X асрларда Сомонийлар, XVI асрда Шайбонийлар, XVII-XVIII асрларда Аштархонийлар, XVIII-XX асрларда Манғитлар даврида йирик маъмурий марказ “пойтахт” шаҳар ролини бажарди.

Бухоронинг узоқ ўтмиши, шаҳарнинг вужудга келиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда турлича учрайди. Бу маълумотлардан шаҳар тарихиги оид аниқ маълумот олиш қийин. Шу сабали, Бухоро шаҳрининг тарихини аниқ ва равшан ёритишда археологик тадқиқот ишлари жуда муҳим жихат ҳисобланади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

XIX асрнинг охирлари Н.Ф.Ситняковский, XX аср бошларида Р.Пампелли, Л.А.Зимин, 1934 йилда А.Ю.Якубовскийлар археологик тадқиқотлари Бухоро воҳаси тарихи бўйича жуда кўплаб маълумотларни берсада лекин, тадқиқотларнинг барчаси Бухоронинг шаҳар атрофларидаги тадқиқотлар эди.



Бухоронинг шаҳар қисмида ўтказилган илк археологик тадқиқотлар 1934-йилда В.А.Шишкин ҳамда “Узкомстарис” томонидан Бухоро шаҳридаги Мағоки Аттори масжидидан бошланган[1].

1952-1953 йиллардада таниқли маҳаллий тарихчи С.Н.Юренев Минораи Калон ва Калон масжидида, Кўкалдаш мадрасасида, 1956 йилда Файзобод, Сейфеддин Боҳарзи, Кўкалдош мадрасаларида, 1957-1959 йилларда Калон масжидида қайта таъмирлаш ишлари, археологик тадқиқотлар ва кузатишлар олиб борилган[2].

1969 йилда Я.Ғуломов бошчилигида Бухоро Арки атрофларида текшириш ишларини олиб борилди. Афсуски тадқиқотчилар сув аралаш лойқа қатламга дуч келинди, сўнгра шурф Зиндон ёнидаги ташланди, натижада милоддан аввалги III асрга таалуқли маданий қатламларигача етиб боришга муваффақ бўлинди[3].

1970 йилда Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейининг нишонланиши қадим ва навқирон Бухоро шаҳрида ҳам тадқиқотларни жонлантириб юборди.

Даставвал, 1970-1974 йилларда, сўнгра 1977—1980 йилларда Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги бир неча жойда кенг кўламда археологик қазишмалар ўтказилди. Эндиликда, одатдагидек майда қудуқлар (шурф) эмас, аксиича катта ер майдонларида қазишмалар амалга ошириладиган бўлади. Аҳоли зич жойлашган Бухорода қазишмалар учун очиқ майдонлар излаб топиш ҳам осон кечмаган. «Зиндон» музей-қўриқхонаси, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Тоқи Заргарон ва Абдуллахон тими ўртасида жойлашган майдонлар, Шаҳристон ҳамда Аркнинг шарқий қисмида археологик кузатув ва казув ишлари олиб борилди.

Аркнинг кўзга кўринган деворлари стратиграфик ўрганилади. Аркнинг қалъа деворларининг хронологиясини аниқлаштириш, қадимги ва ўрта асрларда шаҳар эволюциясининг асосий даврларини белгилаш имконияти пайдо бўлади[4].

Шаҳарнинг тарихий топографиясини ҳар томонлама режали тарзда ўрганишни XX аср 70-80 йилларда А.Р.Муҳаммаджонов раҳбарлигидаги Бухоро археологик экспедицияси бошлаб беради. Мир Араб мадрасаси, Қози Калон саройи, Қатағон, Шаҳристон ҳамда аркнинг бошқа ерларида асосий стратегик аҳамиятга эга қазилма ишлари олиб борилди. Аркнинг шимолий қисми ва мудофаа деворларини қазиш жараёнида унинг қадимги даврлардан тортиб XX аср бошларигача бўлган даврга таалуқли саккиз қатламдан иборат



эқани аниқланган. 1-қатламда торф устида кул, сапол идиш синиқлари учраган. Бу ашёлар милoddан аввалги минг йиллик ўрталарида оид бўлиб, Самарқанддаги Афросиёбнинг 10 катлампдан, Тожикистонда Кабадиён 1 ёдгорлигининг энг пастки катлампдан, Марвдаги Гоуркальанинг 1-катлампдан, Хоразмда милoddан аввалги VI-V асрларда бино килинган Кўзаликир, Қалъали қирлардан топилган" ашёларга ўхшаш ва уларга замондош эди.

Бу тадқиқотлар турли даврларда деворнинг таъмирланиб турганини ҳам исботлайди. Деворнинг энг тепасида баландлиги бир метр, эни ярим метр калинликдаги пахса сақланган. Шаҳристон химоя деворининг шимолий ва жанубий олд қисмини археологик қазिश ишлари шуни курсатдики, мазкур худуд қадимги бухоролик зироатчилар томонидан милoddан аввалги VI-V асрларда ўзлаштирилган. Ҳозир мавжуд шаҳар ва арк эса тахминан VI асрнинг иккинчи ярмида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Бу девор тўғри бурчак шаклида булиб, тахминан 35 гектар майдонни эгаллаган. Натижада шаҳар арк, шаҳристон ва шаҳар атрофи каби уч қисмга бўлиниб қолган[5].

Тадқиқотлар натижасида Бухоронинг тузилиши, тарихий топографияси, шаҳар деворларини аниқлашга оид қимматли маълумотлар олинди. Зарафшон дарёсининг қуйи ўзанларидан бири шаҳар ҳали қад кўтармасдан аввал ҳозирги Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Тоқи Заргарон, Мири Араб мадрасаси, Минораи Калон ва Масжиди Калон каби меъморчилик обидалари бўй чўзган замин ўрнидан оқиб ўтган. Бу дарё кенглиги 100-120 метргача бориб, илк ўрта аср ёзма манбаларида "Зарируд" ёки "Руди Зари Бухоро" номлари билан тилга олинган.

Бухоро шаҳри даставвал қадимги Зарируд ўзаннинг соҳилида алоҳида жойлашган 3 та қишлоқ шаклида қад кўтарган. Улардан бири дарёнинг ўнг соҳилида ҳозирги аркнинг ўрнида, 2 таси эса Масжиди Калон, Минораи Калон, Мир Араб мадрасаси ва Абдуллахонтими ўрнида жойлашган бўлган. Аркдаги тадқиқотлар 20 метрлик маданий катлампни берди. Аркда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаси ўлароқ ЮНЕСКО 1995 йил октябр-ноябр ойлари Парижда бўлиб ўтган 28 сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. 1997 йил июн ойида Парижда, 19 октябрда эса Бухоро шаҳрида шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейи тантанали нишонланди. Буларнинг барчаси археологик тадқиқотларнинг самараси эди.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Шишкин. В.А. Раскопки в мечети Магаки-аттари в Бухаре. «Труды ИИА АН УзССР». Вып.7. –Ташкент,1955. -С.29-36.
2. Voltaev A. Kh. The research of the S.Yurenev un the Mosque Kalan //European Journal of Humanities and Social Sciences. № 5. -Vienna. 2018. P.11-12.; Ставиский Б.Я. Сергей Николаевич Юренев - Человек, Личность, а также музейный работник, археолог, краевед...(материалы биографии). К столетию со дня рождения. Бухарский музей. – Бухара,1996. -С.8-30.
3. Жумаев А.Ш.Бухоро археологияси (ўқув-услугий қўлланма).-Бухоро,2006. Б.50.
4. Мухамеджанов А. Р. Бухара — город двадцати пяти веков. Общественные науки в Узбекистане. -Вып.9-10-11.-Ташкент,1997. -С.3-9.
5. **Тўрабеков М. Т.** Бухоронинг мудофаа деворларини ўрганиш тарихидан. **Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь.- Тошкент,1997. -Б.15.**
6. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY 2.4 (2021): 42-47.
7. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
8. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.
9. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938.
10. Ochilov A. Бухоро воҳасида олиб борилган илк археологик тадқиқотлар //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
11. Ochilov A. Бухоро воҳасининг қадимги антропоген ландшафтида Сармишсой дарасининг тутган ўрни //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
12. Ochilov A. XIX асрдаги чет эл сайёҳлари асарларида Бухоро воҳаси маданиятининг ёритилиши //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 4. – №. 4.
13. Очиллов А. Т., Жўраев Н. БУХОРО ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИДА ҲУНАРМАНДИЧИЛИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИ //ТА'ЛИМ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАНЛИ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 11-14.
14. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли, and Зулфизар Ҳалим Қизи Салимова. "БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ." *Scientific progress* 3.10 (2022): 86-91.
15. Очиллов А. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ ТОШ ДАВРИ ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ //Journal of Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 02. – С. 42-45.



16. Очилов, А. (2023). Бухоро воҳаси тош даври жамоаларининг моддий маданияти: тарихий реконструкция масалалари. *Марказий Осиё тарихи ва маданияти*, 1(1), 93-98.
17. Ganiyevna, Hasanova Mavjuda, and Ochilov Alisher To'lis o'g. "XIX ASRNING OXIRI VA XX ASRNING BOSHLARIDA JADIDLARINING YANGI USUL MAKTABLARI FAOLIYATI." *PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS* 2.22 (2023): 240-243.
18. Alisher To'lis o'g O. et al. BUXORO VOHASINING TOSH DAVRI TARIXI //Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 6-10.
19. Alisher To'lis o'g O. et al. VARAXSHA-ANTIК VA ILK O 'RTA ASRLAR DAVRI SHAHRI //Journal of Innovation, Creativity and Art. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 14-17.